

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019. Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АБДУРАҲИМОВА МОҲИГУЛ ОЙБЕК ҚИЗИ

**ЕР АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСЛУБЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.10 – “Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги”

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD) on the technical sciences**

Абдурахимова Мохигул Ойбек кизи

Ер ахборот тизимини шакллантириш услубларини такомиллаштириш.....3

Абдурахимова Мохигул Ойбек кизи

Совершенствование методов формирования земельной информационной
системы..... 21

Abdurakhimova Mokhigul Oybek kizi

Improving methods for creating a land information system.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019. Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АБДУРАҲИМОВА МОҲИГУЛ ОЙБЕК ҚИЗИ

**ЕР АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСЛУБЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.10 – “Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги”

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги
Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Г3421 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари
институтини” Миллий тадқиқот университетинида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз тили (резюме)) “Тошкент ирригация ва
кишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтини” Миллий тадқиқот университети
хузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tiame.uz) ва «Ziynet»
ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳмонов Қосимджон

техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Қурвонтоев Раҳмонтой

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Тўраев Рухиддин Амиркулович

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат
архитектура-қурилиш университети**

Диссертация химояси “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш
мухандислари институтини” Миллий тадқиқот университети хузуридаги илмий даражалар берувчи
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «02» февраль
соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй.
Тел.: (+99871) 237-09-71, факс: (+99871) 237-54-79; e-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш
мухандислари институтини” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш
мумкин (307 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси,
39 уй. Тел.: (+99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2024 йил «12» январь кунини тарқатилди.

(2024 йил «12» январь даги № 307 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Сулганов

Илмий даражалар берувчи

илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.Гаппаров

Илмий даражалар берувчи

илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

А.С.Алтиев

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш хузуридаги илмий
семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлар барқарорлигини таъминлаш учун ахборотларни рақамлаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ер ресурсларига бўлган талабни қаноатлантириш учун ҳар бир мамлакатда ўзига хос тизимлар йўлга қўйилмоқда. Дунё миқёсида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 38% ни ташкил этади. Шундан, энг катта ҳудуд, яъни 1,7 млрд.га майдон Осиё қитъасига тўғри келади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги йигирма йил давомида ер юзидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 4% га камайган¹. Бунда албатта ерга оид маълумотларнинг ишончли ахборотларга айланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида барча соҳаларда ахборотларни истеъмолчиларга етказишнинг самарали усуллари жорий этишда рақамлаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, ерга оид ахборотлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни кенг жорий этиш юзасидан кўплаб мамлакатлар тажриба ва самарали натижаларига эгадир. Бу борада ривожланган давлатларда аллақачон ер ахборот тизими ёки миллий ер ахборот тизимини рақамлаштиришга оид тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, маълумотларнинг ишончли ахборотга айланиши ва уларни истеъмолчиларга тезкор ва аниқ етказилишини таъминлаш орқали мамлакат иқтисодиёти ва салоҳиятини янада ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда ер фондидан самарали фойдаланиш ва уни тизимли бошқаришнинг замонавий технологияларни яратиш хусусида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш ва уларни тадбиқ этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...шаффофлик тамойилини жорий этиш мақсадида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридаги очиқ маълумотлар таркибини белгилаш ва очиқ маълумотлар асосида оммавий геопортални жорий этиш ҳамда маълумотларни Миллий геоахборот тизими орқали давлат ва хўжалик бошқарув органларига ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этиш тартибини ишлаб чиқиш»² бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни белгиланган муддатда амалга оширишда, мавжуд ер майдонларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, уларни миқдор ва сифат жиҳатдан замонавий усуллар асосида мониторинг қилиш, ер ҳисобини юритиш ва моделлаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6061-сон Фармони, 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни

¹ Mage G. M. and Lande R. Land use statistics and indicators Global, regional and country trends Land use statistics and indicators Global, regional and country trends 1990-2019 FAOSTAT Analytical Brief 28 Land Use and Land Use Indicators Background *Conserv. Biol.* 5 148–57

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони

ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6243-сон Фармони ва 2021 йил 24 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5006-сон Қарорида ерга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ҳужжатлар тўпламини шакллантириш, уларни кўриб чиқиш ва мониторингини юритиш бўйича ахборот тизимига интеграция қилиш каби бир қатор вазифалар келтириб ўтилган. Юқорида келтирилган ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантириш дастурининг III. “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” ҳамда IV. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, сув муаммолари, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ер ахборот тизимини яратиш, хусусан, ер кадастри ахборотлари, ер ҳисобини юритиш жараёнларини моделлаштириш, уларни мониторинг қилиш каби масалаларни ҳал қилишда бир қатор хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан А.Нақе, R.Karim, A.Lisec, G.Navрати, I.Abbas, D.Ben-yayork, R.Muhammad, E.Elia, J.Zevenbergen, C.Lemmen, P.Harcourt, N.Chiemelu, O.Demir, B.Uzon, K.Nahrin, M.Rahman, W.Hawerk, A.Варламов, С.Гальченколар ва бошқалар.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер тузишда, ер ахборотлар базасини ишлаб чиқишда, ер кадастри хариталарини яратиш ва уларни такомиллаштиришда Ўзбекистоннинг бир қатор соҳа олимлари изланишлар олиб борган, жумладан С.Авезбаев, А.С.Чертовичкий, Г.А.Толипов, Э.Ю.Сафаров, Р.А.Тураев, А.К. Базаров, А.Р.Бобожонов, Т.М.Абдуллаев, Қ.Рахмонов, Х.Муборақов, Б.Ю.Махсудов, З.С.Абдуллаевлар бу соҳада эътиборга молик натижаларга эришган.

Илмий тадқиқот ишларининг асосий ғоялари, назарий-услубий ёндашувлар ва уларни амалиётга тадбиқ этиш натижалари бир қатор илмий мақолалар, илмий услубий тавсиялар, маъруза матнларида ўз аксини топган. Лекин, ҳозирги кунгача ер ахборот тизими ва таъминоти масалаларини амалиёт талаби даражасида ечилмаганлиги сабабли юқорида қайд этилган муаммолар бўйича тадқиқоқлар ўтказишни давом эттиришни тақозо этмоқда.

Диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” МТУнинг 6.6.“Маъмурий туманда ер ахборот тизимини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш” мавзусидаги 2019-2022 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ер ахборотлари тизимини шакллантиришнинг мавжуд услубларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш,

тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ер ахборот тизимини такомиллаштиришнинг меъёрий-техник асосларини таҳлил қилиш;

ер ахборотларини шакллантиришда ер ҳисобини юритиш услубларини такомиллаштириш;

ер ахборот тизимини шакллантиришнинг истиқболдаги дастурини ишлаб чиқиш;

маъмурий туманда ер ахборот тизимини маҳалла фуқаролар йиғини мисолида шакллантириш механизминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани ер фонди, ердан фойдаланувчи субъектлар ва уларга бириктирилган ер участкалари.

Тадқиқотнинг предмети. Ер ахборот тизими билан боғлиқ бўлган ташкилий-техник таҳлиллар, фойдали ишланмалар ва дастурлардан фойдаланишга оид технологик жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида статистик таҳлил, монографик кузатиш, дастурлаш, баҳолаш, таққослаш каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ер ахборот тизимини такомиллаштиришнинг механизмлари меъёрий-техник ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган;

ер ахборотларини шакллантиришда ер участкаси майдонини ҳисоблаш бўйича қайдномани шакллантириш услуги такомиллаштирилган;

ер ахборот тизимини шакллантиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган;

маъмурий туманда ер ахборот тизимини шакллантириш “Маҳалла электрон паспорти” веб илова асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ер ахборот тизимини такомиллаштириш меъёрий-техник жиҳатдан тадқиқ қилинган ва уларни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

ер ахборот тизимини шакллантириш омиллари ва услубларини такомиллаштириш бўйича таклифлар илмий асосланган;

Республикада ер оид ахборотларини шакллантиришнинг 2030 йилгача бўлган истиқболдаги йўналишлари ишлаб чиқилган ва уларни амалга оширишнинг ташкилий-техник механизми юзасидан тавсиялар тайёрланган.

маъмурий туманда ер ахборот тизимини шакллантиришга оид инновацион технологияни жорий этиш механизми ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Тошкент вилояти бошқармаси материалларидан фойдаланилганлиги, ер ахборот тизимини юритиш жараёнларини тадқиқ қилишда умум қабул қилинган илмий услубларда бажарилганлиги, стандартлашган ва ишлаб чиқариш ҳамда дала шароитида апробациядан ўтган тадқиқот услубларнинг қўлланиши, олинган маълумотлар статистик ишловдан ўтказилганлиги, тажриба натижалари

республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтганлиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти маъмурий туман ҳудудида ер ахборот тизимини ташкил этишнинг назарий, услубий, ҳуқуқий, норматив ва техник асослари ўрганиб чиқилганлиги, шунингдек, тезкор ер ахборот тизимини такомиллаштириш масалаларини ёритиш имконияти очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тавсия этилган ечимларини тумандаги ердан фойдаланувчи субъектлар ер участкалари учун амалга ошириш, шу билан бирга, маълумотларни интергаця қилиш бўйича тадбирлар самарасини оширишга республика миқёсида ягона тизимни юритиш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ер ахборот тизимини шакллантириш услубларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

ер ахборот тизимини ҳуқуқий-техник жиҳатдан такомиллаштиришга оид услубий қўлланма яратилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 4 майдаги 06/28-28-06/439-сон маълумотномаси). Натижада ер ахборот тизимини маъмурий-худудий бирликлар, ер тоифалари ва ердан фойдаланувчи субъектлар бўйича ишлаб чиқилган модели талаба ва магистрантлар томонидан бажариладиган ер участкаси даражасида шакллантириладиган маълумотлар асос сифатида хизмат қилган;

ерга оид ахборотларини шакллантириш омиллари ва услубларини такомиллаштириш бўйича муайян ер участкасида контурлар қайдномасини шакллантиришнинг креатив усули Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани “Қайтмас” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ер участкаларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 4 майдаги 06/28-28-06/439-сон маълумотномаси). Натижада туман бўйича қишлоқ хўжалиги ер турларининг, шунингдек, маҳаллий йўл ва сув тармоқлари эгаллаган ерларининг аниқ ҳисобини юритиш имконини бермоқда;

олиб борилган тадқиқотлар асосида тадқиқот объектида ер ахборот тизимини шакллантириш бўйича “Маҳалла электрон паспорти” веб илова ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 4 майдаги 06/28-28-06/439-сон маълумотномаси). Натижада иловани амалиётга жорий этиш тегишли давлат кадастрлари маълумотларини Миллий геоахборот тизимига телекоммуникация тармоқлари орқали тўғридан-тўғри тақдим этиб бориш имконини яратмоқда. Мазкур веб илова мамалакатимиздаги мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинларининг ерга оид маълумотларини ер фонди тоифалари, шунингдек, ҳудуддаги мавжуд қишлоқ хўжалиги ер турлари бўйича ахборот алмашинувини амалга оширади;

Тошкент вилоятида ер ахборот тизимини шакллантиришнинг истиқболдаги йўналишлари дастури ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг

Тошкент вилояти бошқармасининг 2022 йил 20 декабрдаги 01-2752-сон маълумотномаси). Ушбу дастурга мувофиқ, ер ахборот тизимини маҳалла фуқаролар йиғини даражасида яратиш долзарб аҳамият касб этиши илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Илмий ишнинг асосий ғоя ва натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилган, илмий давра суҳбати, вебинар, семинар-тренинг ва симпозиумларда ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика, 2 таси хорижий илмий журналларда, 3 та республика ва 3 та халқаро анжуман тўпламларида нашр этилган, 2 та фойдали ишланмага гувоҳнома олинган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ер ахборот тизимини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи боби рақамли иқтисодий шакллантиришда ер ахборот тизимини ривожлантириш хусусиятлари очиб берилган. Шуни таъкидлаш жоизки, рақамли иқтисодийга ўтиш ва бошқарув тизимини тўғри ташкил этиш нафақат, замонавий ускуналар ва малакали кадрлар жамоасига боғлиқ, балки ташкилот манфаатларини ҳисобга олган ҳолда дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ҳам катта роль ўйнайди (1-расм).

Ер ахборот тизимини ҳуқуқий-меъёрий таъминоти бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари бевосита республикамизда мавжуд ер ахборот тизимини такомиллаштиришга асос бўладиган қонун ва қонун ости ҳужжатлар асосида таҳлил қилинган. Ер ахборот тизимини шакллантиришда хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилган ҳолда услублар таҳлили келтирилган. Жаҳон тажрибасида мавжуд ер ахборот тизими, ер тузиш, ер кадастри, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни шакллантириш соҳасида дунёнинг ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилган ва таҳлил қилинган.



1-расм. Рақамли иқтисодиёт ва ер ахборот тизими интеграцияси


Ер ахборот тизимини шакллантириш ва ахборотларни тегишли ташкилот ва давлат органларига тақдим этиш, маълумотларни интеграция қилиш ушбу соҳада бир қатор камчиликларни бартараф этиш учун замин яратади. ЕАТнинг ишлаши нуқтаи назаридан уларнинг ҳар бири маълум бир жараёни тавсифловчи бешта катта бўлим шаклида ифодаланиши мумкин (2-расм).

1 бўлим - ЕАТнинг инфратузилмаси. Бу блокда тизимнинг ишлаш жараёнини моддий, технологик, ва кадрлар билан таъминлаш тартиби шакллантирилган ва ЕАТни жорий қилишнинг турли усуллари ва техник воситалари таҳлил қилинган.

2 бўлим - ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, ўзгартириш ва сақлаш жараёнларини таъминлайди.

3 бўлим – ер мулк комплекси объектлари динамикаси (талаб ва таклиф) инобатга олиниб, ер тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишнинг кенг қамровли кўрсаткичини инобатга олишга имкон берадиган ахборот бозори таҳлили ўтказилади. Бўлимда ахборотдан фойдаланиш кўлами ва нисбати, ахборот бозоридаги шароитлар, ер кадастри ва бошқа маълумотларнинг, шунингдек, ер участкалари ва бошқа кўчмас мулкларнинг нархлари ҳолати ва динамикаси акс эттирилган.

4 бўлим - ЕАТ (давлат кадастрлари маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, тақдим этиш ва улардан фойдаланиш) самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек тизим элементларини созлаш амалга оширилади.



2-расм. Ер ҳақидаги ахборот тизимининг ишлаш схемаси

5 бўлим - ер кадастри маълумотларини истеъмолчилар билан ўзаро интеграциясини таҳлил қилади. Ушбу блокдаги жараёнлар бирламчи маълумотлар асосида яратилган иккиламчи ахборот ресурслари, манфаатдор фойдаланувчиларга маълумотларни тақдим этиш режимлари ва маълумот алмашиш тартиби, яъни маълумот алмашиш ва тақдим этиш жараёнининг ҳажми, тузилиши, динамикаси ва сифати билан амалга оширилади.

Мазкур бобда республикада мавжуд ер ахборот тизимини таҳлил қилган ҳолда ахборотларни иқтисодий ривожлантириш мақсадида турли тармоқларга интеграция қилиш жараёнларини такомиллаштириш зарурияти асосланган.


Диссертация ишининг **“Тошкент вилоятида ер ахборот тизимини шакллантириш ҳолати ва такомиллаштириш услублари”** деб номланган иккинчи бобда тадқиқот объектида сифатида танлаб олинган жойнинг географик ўрни, ер ресурслари, аҳолиси ва ер фондидан фойдаланиш ҳолати ва динамикаси таҳлил қилинган (3-расм).

Шунингдек, ер фонди тоифалари бўйича ўзгаришлар динамикасини математик статистика фанининг корреляцион-регрессион усулидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш имкониятини беради. Мисол учун, охириги ўн беш йиллик маълумотлар натижаларига асосланиб, маълум бир мақсадларга мўлжалланган ерларни тақсимланишини келгуси йил учун башоратлаш, яъни тахминий таҳлил қилиш мумкин.

Амалиётда асосан ер ресурсларини тақсимланиш динамикаси куйидаги чизиқли функция кўринишида ифодаланаши кузатилади:

$$Y=ax+b \quad (1)$$

Бу ерда: b-вақтнинг дастрлабки пайтидаги ажратилган ер майдони;
 а-йиллик қўшиладиган ўртача ер майдони;
 х-йил.



3-расм. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қайтмас МФЙ схематик хариталари

Келтирилган а ва b параметрларнинг охириги 15 йиллик кўрсаткичларига асосланиб, энг кичик квадратлар методи ёрдамида баҳолаш мумкин, у қуйидаги системада ўз аксини топган:

$$\begin{cases} an + b \sum x_i = \sum y_i \\ a \sum x_i + b \sum x_i^2 = \sum (x_i y_i) \end{cases} \quad (2)$$

Жумладан, Тошкент вилояти ҳудудидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар динамикасини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги натижалар қайд этилди. Дастлаб, мавжуд маълумотларга таянган ҳолда, $\sum x_i$ – йиллар, $\sum y_i$ – йилларга нисбатан ер майдонлари асосланиб, йиллар квадратик кўрсаткичлари, йиллар ва ер майдонларининг кўпайтмаси ҳисобланди (2).

Юқоридаги икки тизимга асосланган формулани ечиш натижасида а (йиллик қўшиладиган ўртача ер майдони) ва b (вақтнинг дастрлабки пайтидаги ажратилган ер майдони) параметрлари ҳисобланди. Таҳлиллар асосида Тошкент вилояти ҳудудидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларининг мавжуд маълумотлари асосида шакллантирилган ва $a=-1,01$, $b=784,01$ га тенг бўлган. Демак, келтирилган йиллар (x) бўйича ер

майдонларининг тақсимланиши (y) орасидаги боғланишнинг регрессион тенгламаси қуйидагича аниқланди:

$$y = -1,01x + 784,01 \quad (3)$$

Бу боғланиш кучли ёки кучсиз эканлигини аниқлаш корреляцион коэффициентга боғлиқ бўлади. Шунингдек, йил билан ерлар тақсимланиши орасидаги боғланиш учун корреляция коэффициенти (K) ўрганилди. Ушбу коэффициент $-1 \leq K \leq 1$ орасида бўлади. Агар, $K = \pm 1$ га яқин қиймат бўлса, боғланиш кучли, агар $K = 0$ га яқин бўлса боғланиш кучсиз эканлиги ўз исботини топади. Корреляцион коэффициентни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилди:

$$K = \frac{\sum(x_i - x_T)(y_i - y_T)_i}{\sqrt{\sum(x_i - x_T)^2 \sum(y_i - y_T)^2}} = \frac{-522,68}{\sqrt{280 \times 1438,87}} = \frac{-522,68}{634,73} \approx -0,82 \quad (4)$$

Демак, юқоридаги натижаларга кўра корреляция коэффициенти $K = -0,82$ қийматига тенг эканлиги аниқланган ва коэффициент $-1 \leq K \leq 1$ оралиғидаги қиймат бўлганлиги учун боғланиш кучли эканлигини эътироф этишимиз мумкин. Юқоридаги бешинчи формула Тошкент вилоятидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасини келгуси йилларда прогноз қилиш имкониятини шакллантириши билан биргаликда, мавжуд ер фондидан самарали фойдаланишни тизимли йўлга қўйишга имкон беради.

Тадқиқотлар давомида ер ахборот тизимини шакллантириш тажрибаси ўрганилган, жумладан ер ахборот тизимини юритишда республикамиздаги мавжуд услублар ва йўналишлар таҳлил қилинган. Қуйидаги расмда ер ахборот тизимига оид камчиликларни бартараф этиш мақсадида республикада қўлланиб келинаётган бир қатор электрон дастурлар келтирилган (4-расм).


Электрон дастур номи	Мақсади	Ҳуқуқий асос	Жорий этилган сана	Масъул ташкилот
геопортал	кўчмас мулк объектлари ер чегараси, кадастр рақами, объект тури, манзили, ер майдони каби маълумотларни жамлайди	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6061 сонли фармонига мувофиқ	2021 йил	Кадастр агентлиги
«E-YER NAZORAT»	Махсус ваколатли давлат органлари томонидан ерга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ҳужжатлар тўпламини шакллантириш, уларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқиш мақсадида электрон ҳужжатлар алмашинувини амалга ошириш	2021 йил 24 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5006 сонли қарори	2021 йил	Кадастр агентлиги

«E-qaror»	электрон онлайн-аукцион ва очик танловга қўйиш учун ер участкаларини танлаш, келишиш, аукцион ва танловда иштирок этиш учун мурожаатларни қабул қилиш, аукцион ва танловни ўтказиш, унинг натижаларини расмийлаштириш билан боғлиқ барча жараёнлар амалга оширилади	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6243 сонли фармониға мувофиқ	2021 йил	Кадастр агентлиги
“Uzcad”	қишлоқ хўжалиги ерларини ҳисобға олиш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 3 августдаги Жаҳон банки иштирокида “Кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ва кадастр тизимларини модернизатсия қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2571-сон қарорига асосан Жаҳон банкининг лойиҳасига бўйича “Кадастр ва рўйхатдан ўтказишнинг интеграциялашган ахборот тизими”да “Узқад” дастурида электрон харитаси яратилиб, кадастр ахборот тизимиға киритилди.	2021 йил	Кадастр агентлиги


4-расм. Ер ахборот тизимини шакллантиришдаги республикада мавжуд электрон дастурлар

Диссертация ишининг ушбу бобида ер ахборот тизимини такомиллаштириш жараёнидаги услубларни такомиллаштириш ер ахборот тизимини жорий этиш афзалликлари, ахборотнинг ишончлилигига қўйиладиган талаблар ўрганилган ҳолда очиб берилган.

Диссертация ишининг **“Инновацион ер ахборот тизимини яратиш услубини такомиллаштириш йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида Тошкент вилоятида ер ахборот тизимини шакллантиришнинг истиқболдаги йўналишлари учта босқич асосида ишлаб чиқилиши белгилаб берилган. Шунингдек, инновацион ер ахборот тизимини такомиллаштиришнинг техник таъминоти ва креатив ечимлари ёритилган бўлиб, тадқиқот объекти ҳудудида жойлашган “Асилбек Жасурбек” фермер хўжалиги ер майдонларини янги услубдаги контурлар қайдномаси шакллантириш орқали таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқот объектида амалдаги массив ҳудудида 3 та маҳалла фуқаролар йиғини (“Тожиқовул”, “Байрамқўл” ва “Қайтмас” МФЙлар) мавжуд (5-расм).



5-расм. Фермер хўжалиги ер контурларини амалдаги жойлашув харитасининг бир қисми



6-расм. Фермер хўжалиги ер контурларини янги услубдаги жойлашув харитасининг бир қисми

Фермер хўжалигининг ер майдонида тадқиқот ишлари олиб борилди. Унинг умумий майдони 84,97 гектарни ташкил этади шундан 71,74 га ҳайдалма ер, 0,06 га боғлар ва бошқалар киради. Қуйидаги расмда фермер хўжалиги учун (1-участка) амалдаги ер контурлари майдонлар қайдномаси асосида тузилган харита тасвирланган (6-расм).

Тадқиқотлар давомида ер ахборот тизимини шакллантиришда амалдаги ер контури тартиб рақамларидан фойдаланган ҳолда ер ахборотларини шакллантириш бир нечта ноқулайлик ва ноаниқликлар кузатилди. Жумладан, “Қайтмас” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Асилбек Жасурбек” фермер хўжалиги ҳудудида дешифровка ишлари натижасида бир қатор камчиликлар аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

"Асилбек Жасурбек" фермер хўжалиги контурлар кесимидаги майдонлар қайдномаси услубларини ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛИ

амалдаги услуб				янги услуб			
Т/Р	Контур рақами	Ер тури (амалдаги ҳолат)	Майдони (га)	Т/Р	Контур рақами	Ер тури (янги услуб бўйича)	Майдони (га)
1	39	бошқа ерлар-0,17	0,17	1	1	бошқа ерлар	0,17
2	40	сув остидаги ерлари-1,30	1,35	2	2	сув остидаги ерлари	1,30
3		йўллар-0,05		3	3	йўллар	0,05
4	44	ҳайдалма ерлар-8,82	9,20	4	4	ҳайдалма ерлар	8,82
5		сув остидаги ерлари-0,38		5	5	сув остидаги ерлари	0,38
6	45	сув остидаги ерлари-0,85	0,87	6	6	сув остидаги ерлари	0,90
7		бошқа ерлар-0,02		7	7	бошқа ерлар	0,02
8	46	ҳайдалма ерлар-18,25	18,33	8	8	ҳайдалма ерлар	18,20
9		сув остидаги ерлари-0,08		9	9	сув остидаги ерлари	0,08
10	47	ҳайдалма ерлар-14,44	14,44	10	10	ҳайдалма ерлар	14,33
11	48	сув остидаги ерлари-3,14	3,23	11	11	сув остидаги ерлари	3,14
12		йўллар-0,09		12	12	йўллар	0,09
13	49	томорқа-0,18	0,18	13	13	томорқа	0,18

1-жадвал давоми

14	50	сув остидаги ерлари(ўзга ЕФС)-0,1	2,15	14	14	бошқа ерлар	0,02
15		йўллар(ўзга ЕФС)-0,73		15	15	сув остидаги ерлари	0,01
16		бошқа ерлар(ўзга ЕФС)-1,32		16	16	сув остидаги ерлари(ўзга ЕФС)	0,10
17	51	томорқа-0,39	0,55	17	17	йўллар(ўзга ЕФС)	0,76
18		сув остидаги ерлари-0,04		18	18	бошқа ерлар(ўзга ЕФС)	1,32
19		йўллар-0,08		19	19	томорқа	0,39
20		қурилишлар-0,04		20	20	сув остидаги ерлари	0,09
21	52	томорқа-0,69	0,79	21	21	йўллар	0,08
22		сув остидаги ерлари-0,07		22	22	қурилишлар	0,04
23		қурилишлар-0,03		23	23	томорқа	0,69
24	53	хайдалма ерлар-5,8	6,00	24	24	сув остидаги ерлари	0,07
25		сув остидаги ерлари-0,2		25	25	қурилишлар	0,03
26	54	хайдалма ерлар-5,86	6,30	26	26	хайдалма ерлар	5,80
27		боғ-0,06		27	27	сув остидаги ерлари	0,20
28		сув остидаги ерлар-0,38		28	28	хайдалма ерлар	5,86
29	64	хайдалма ерлар-18,57	19,12	29	29	боғ	0,06
30		сув остидаги ерлар-0,2		30	30	сув остидаги ерлар	0,38
31		йўллар-0,01		31	31	хайдалма ерлар	18,57
32		бошқа ерлар-0,34		32	32	сув остидаги ерлар	0,20
33	66	сув остидаги ерлар-2,22	2,29	33	33	йўллар	0,01
34		йўллар-0,07		34	34	бошқа ерлар	0,34
				35	35	сув остидаги ерлар	2,22
				36	36	йўллар	0,07
		Жами майдон	84,97			Жами майдон	84,97

Юқоридаги услубий ёндашув “Асилбек Жасурбек” фермер хўжалиги учун таклиф этилган ечимда ҳар бир ер контури ўзининг чегараси, майдони, рақами ва ер турига эга бўлган ер участкасининг бир қисми сифатида эътироф этилган. Акс ҳолда анъанавий усулда тузилган контурлар кесимидаги майдонлар қайдномадаги ахборотларни шаффоф тарзда шакллантиришда инсон омилининг салбий иштироки кузатилади.

2-жадвал

"Қайтмас" массиви Қайтмас МФЙ "Асилбек Жасурбек" фермер хўжалиги контурлари бўйича услублар таққослама жадвали

амалдаги услуб			янги услуб			
Т/Р	Ер тури (амалдаги ҳолат)	Майдони (га)	Т/Р	Ер тури (янги услуб бўйича)	Майдони (га)	Фарқи +/- (га)
1	Ҳайдалма ерлар	71,74	1	Ҳайдалма ерлар	71,61	-0,13
2	Боғлар	0,06	2	Боғлар	0,06	0,00
3	томорқа	1,26	3	томорқа	1,26	0,00
4	сув остидаги ерлар	8,96	4	сув остидаги ерлар	9,02	0,06
5	йўллар	1,03	5	йўллар	1,08	0,05
6	қурилишлар	0,07	6	қурилишлар	0,09	0,02
7	Бошқа ерлар	1,85	7	Бошқа ерлар	1,85	0,00
	Умумий майдон жами	84,97		Умумий майдон жами	84,97	0

Юқоридаги 2-жадвалда амалдаги ва тавсия этилаётган креатив усул асосида олинган майдонлар қайдномасини таққослама кўрсаткичлари келтирилган. Умумий хулоса ўрнида шуни қайд этиладики, туман ва маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари жумладан, фермер хўжаликлари ер участкалари ҳудудида ер ахборотларини шакллантиришда ҳар бир ер контури ўзининг чегараси, майдони, тартиб рақами ва ер туридан иборат ҳолда “қайднома”ларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаси сифатида фермер хўжалиги ва маҳалла фуқаролар йиғини умумий майдонларини қамраб олувчи қуйидаги формулаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади, улар қуйидагилар:

$$M_{\phi/x} = \sum_{i=1}^n M_{\text{ер контури}} + \sum_{i=1}^n M_{\text{ТЗЕ}} + \sum_{i=1}^n M_{\text{ўЕФ}} + \sum_{i=1}^n M_{\text{ДЗЕ}} = 84,97 \text{ га} \quad (5)$$

бунда: $M_{\text{ер контури}}$ -фермер хўжалиги таркибидаги ер контурлари умумий майдони

$M_{\text{ТЗЕ}}$ -фермер хўжалиги ҳудудидаги туман заҳира ерлари умумий майдони

$M_{\text{ўЕФ}}$ -фермер хўжалиги ҳудудидаги ўзга ердан фойдаланувчилар умумий майдони

$M_{\text{ДЗЕ}}$ - фермер хўжалиги ҳудудидаги давлат заҳира ерлари умумий майдони

$$M_{\text{МФЙ}} = \sum_{i=1}^n M_{\text{ЕФС}} + \sum_{i=1}^n M_{\text{ТЗЕ}} + \sum_{i=1}^n M_{\text{ўЕФ}} + \sum_{i=1}^n M_{\text{ДЗЕ}} = 383,19 \text{ га.} \quad (6)^3$$

бунда: $M_{\text{ЕФС}}$ -маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ердан фойдаланувчи субъектлар умумий майдони

$M_{\text{ТЗЕ}}$ - маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги туман заҳира ерлари умумий майдони

$M_{\text{ўЕФ}}$ - маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ўзга ердан фойдаланувчилар умумий майдони


$M_{\text{ДЗЕ}}$ - маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги давлат заҳира ерлари умумий майдони

Таклиф қилинган услубни Тошкент вилоятида фаолият юритаётган барча фермер хўжаликларида тадбиқ этиш ер ахборотини ҳаққонийлигини ва шаффофлигини таъминлайди ҳамда инсон омили таъсирини камайтиришга хизмат қилади. Ер ахборот тизимини жорий қилиш механизмларини шакллантириш “Маҳалла электрон паспорти” ни жорий қилиниши орқали маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида ер ахборот тизимининг ҳудуддаги мавжуд ер ресурслардан фойдаланишнинг назорат қилиш, тегишли ер участкалари ҳақидаги маълумотларни шакллантиришга хизмат қилувчи электрон тизим ишлаб чиқилиши билан изоҳланган.

Маҳалла электрон паспортининг ишлаш механизми, ундаги ахборотлар оқимининг кетма-кетлиги юқоридаги схемада келтирилган. Илова бир нечта ойналардан ташкил топган бўлиб, биринчи бўлимда илова ҳақида маълумот

³ Қ.Раҳмонов “Давлат ер кадастри ахборотларини ишлаб чиқишнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш” афтореферат, ТҚХММИ МТУ Тошкент 2023, б. 16.

келтирилган, шунингдек, иккинчи бўлимда онлайн харита бириктирилган бўлиб, маҳалла фуқаролар йиғинини белгилаб кўрсатиш, координатасини аниқлаш имконияти мавжуд (7-расм).



7-расм. Маҳалла электрон паспорти веб иловаси схемаси

№		сони	Майдони, га
1	Томорқа ЕФСлар	465	74,63
2	Деҳқон хўжаликлари	3	25,50
3	Фермер хўжаликлари	5	242,21
4	Савдо объектлари ЕФСлари	1	0,0046
5	Тиббиёт муассасалари ЕФСлари	1	0,50
6	Ижтимоий объектлар ЕФСлари	5	4,10

8-расм. МФЙ ҳудудидаги ердан фойдаланувчи субъектлар ҳақида маълумот

Жойлашув объектини маъмурий ҳудудий бирлик, туман, массив ва маҳалла фуқаролар йиғини кесимида белгилаш орақали ушбу маҳалла фуқаролар йиғини тўғрисида тўлиқ маълумот олиш имконияти туғилади (8-расм). Шунингдек, веб иловада амалдаги МФЙ паспортнинг матн шаклида юклаш, таҳлил қилиш имконияти ҳам мавжуд.

ХУЛОСА

“Ер ахборот тизимини шакллантириш услубларини такомиллаштириш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва тавсиялар қайд этилди:

1. Рақамли иқтисодий шакллантиришда ер ахборот тизимини ривожлантириш қонуниятлари, афзалликлари, тамойиллари, хусусиятлари, ҳуқуқий-техник таъминоти ва хорижий тажрибаларни тадқиқ қилиш натижасида уни такомиллаштиришнинг назарий-методологик ёндашувлар ўрганилган.

2. Ер ахборот тизимини такомиллаштириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали учун қўшимча хизматлар сифатида туман ва давлат заҳира ерлари ахборот тизимини яратиш, хусусийлаштирилган ер участкалари ахборот тизимини яратиш, шунингдек муҳандислик иншоотлари ҳимоя зоналари тўғрисидаги маълумотларни олиш бўйича хизматларни жорий қилиш афзалликлари асосланган.

3. Статистик таҳлилларга таянган ҳолда тадқиқот объектдаги ер фонди тоифаларининг охириги ўн беш йиллик маълумотлар натижаларига асосланиб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларининг келгуси йиллар учун

прогноз қилиш корреляцион-регрессион усулидан фойдаланиб, чизикли функция ($y=784,01-1,01x$) аниқланди. Бу орқали ер фонди маълумотларидан самарали фойдаланишда ер ахборот тизимини такомиллаштириш имконини яратилганлиги билан изоҳланди.

4. Худуддаги ер фондини умумий кўчмас мулк иқтисодиёти айланмасига тўлиқ қўшилиб кетиш жараёнида ундан самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг такомиллашган тизимини яратиш заруриятини тақозо этади. Вилоят ер фондидан фойдаланиш ва унинг худудий-маҳаллий бюджетига ундириладиган ер ҳақини адолатли тизимини жорий қилишга хизмат қилувчи Тошкент вилояти ер ахборот тизимининг 2030 йилгача мўлжалланган йўналишлари белгилаб берувчи дастур тавсия этилди.

5. Маҳалла фуқаролар йиғини ва муайян фермер хўжалиги худудида ер ҳисоби аниқлигини ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида жойига чиқмаган ҳолда тегишли формулалар тавсия этилган.

6. Ер ахборот тизимини амалдаги контурлар қайдномасидан фойдаланган ҳолда “Қайтмас” МЙФ худудидаги “Асилбек Жасурбек” фермер хўжалиги ер майдонларини амалдаги ва таклиф этилаётган услуб бўйича таққосланган. Ушбу фермер хўжалигида 0,13 га. суғориладиган экин майдони чизикли элементлар таркибида қайд этилганлиги аниқланган. Мазкур услуб асосида Ўрта Чирчиқ туманида 26,00 га, Тошкент вилояти миқёсида эса суғориладиган майдонлар 65,5 гектарга кам кўрсатилганлиги таққослаш усули орқали аниқланган. Шартли равишда ушбу майдондан вилоят бўйича 276,25 млн.сўмлик пахта хомашёсини ва 115,0 млн.сўмлик ғалла маҳсулотларини етиштириш мумкин деб ҳисобланди. Жами ер ҳисобидаги маълумотларнинг ҳаққоний шакллантирилмаганлиги эвазига олиниши мумкин бўлган 391,25 млн.сўмлик маҳсулот ҳисоботларда қайд этилмаганлиги аниқланди.

7. “Маҳалла фуқаролар йиғини паспорти” ни электрон веб иловаси орқали ер ахборот тизими маълумотларини маҳаллалар кесимида таҳлил қилиш, жисмоний ва юридик шахсларга масофадан туриб электрон хизматларни кўрсатиш, маҳалла фуқаролар йиғинилари кесимида вилоят ер фондидан фойдаланишни назорат қилиш, шунингдек ахборотдан фойдаланувчиларга қулай имкониятлар яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКИЙ
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

АБДУРАХИМОВА МОХИГУЛ ОЙБЕК КИЗИ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ФОРМИРОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬНОЙ
ИНФОРМАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ**

06.01.10 - «Землеустройство, кадастр и мониторинг земель»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

г.Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за №В2023.3.PhD/Г3421.

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском Университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по присуждению ученых степеней при Национальном исследовательском Университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (www.tiiame.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyouet» (www.ziyouet.uz).

Научный руководитель: Рахмонов Косимджон
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Курвонтоев Рахмонтой
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Тўраев Рухиддин Амиркулович
доктор технических наук, профессор

Головная организация: Самаркандский государственный
архитектурно-строительный
университет имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится «02» февраля 2024 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc. 03/30.12.2019.Т.10.02 при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (Адрес: 100000, г.Ташкент, улица Кары-Ниязий, дом 39. Тел.:(+99871) 237-09-71, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (зарегистрирован за №307). Адрес: 100000, г.Ташкент, улица Кары-Ниязий, дом 39. Тел.:(+99871) 237-19-45

Автореферат диссертации разослан «12» января 2024 года.
(реестр протокола рассылки №307 от «12» января 2024 года.)



Т.З.Султанов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Ф.А.Гаппаров
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А.С.Алиев
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире для обеспечения стабильности процессов, связанных с использованием природных ресурсов, особое внимание уделяется вопросам цифровизации информации. Особенно для удовлетворения спроса на земельные ресурсы в каждой стране формируются индивидуальные системы. При этом большое значение имеет преобразование земельной информации в достоверную информацию. В мировом масштабе земли сельскохозяйственного назначения составляют 38%. Из них наибольшая площадь, то есть 1,7 млрд. га. приходится на Азиатскому континенту. Анализы показывают, что за последние два десятилетия площадь земель сельскохозяйственного назначения сократилась на 4%¹.

Во многих странах мира при внедрении эффективных методов передачи информации потребителям во всех сферах широко используется практика цифровизации. В частности, многие страны имеют опыт и эффективные результаты в развитии земельной информационной системы и ее широком внедрении. В этом аспекте в развитых странах уже давно созданы оцифрованные земельно-информационные системы или национальные земельно-информационные системы. В то же время, превращение данных в достоверную информацию и обеспечение оперативной и точной передачи потребителям, а также дальнейшее повышение экономики и потенциала страны являются актуальными задачами.

В нашей республике ведется масштабная работа по проведению научных и практических исследований и их внедрению по созданию современных технологий, которые помогут в эффективном использовании и систематическом управлении земельного фонда. В стратегии развития «Нового Узбекистана» на 2022-2026 годы определены ряд задач по «...разработке порядка, определения содержания открытых данных в государственном реестре прав на недвижимое имущество, внедрения общедоступного геопортала на основе открытых данных, а также предоставления данных через Национальную геоинформационную систему в органы государственного и хозяйственного управления, а также физическим и юридическим лицам»² в целях внедрения принципа прозрачности. При реализации этих задач в установленные сроки проведение научных исследований по эффективному и рациональному использованию существующих земельных участков, их количественному и качественному мониторингу на основе современных методов, ведению земельного учета и моделированию имеет важное значение.

В Указе Президента Республики Узбекистан от 7 сентября 2020 года №УП-6061 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы ведения учета земли и государственных кадастров», от 8 июня 2021 года №УП-6243 «О мерах по обеспечению равенства и прозрачности в земельных отношениях, надежной защите прав на землю и превращению их в рыночный актив», в

¹Mage G. M. and Lande R. Land use statistics and indicators Global, regional and country trends Land use statistics and indicators Global, regional and country trends 1990-2019 FAOSTAT Analytical Brief 28 Land Use and Land Use Indicators Background *Conserv. Biol.* 5 148–57

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони

пункте 10 Постановления от 24 февраля 2021 года №ПП-5006 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы использования и охраны земель сельскохозяйственного назначения» определены ряд задач таких как выявление правонарушений в сфере землепользования, формирование пакета документов и интеграция в информационную систему по ведению мониторинга их рассмотрения. Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации приоритетных задач, указанных выше и в других нормативных правовых документах, относящиеся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики III. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий», IV. Сельское хозяйство, биотехнологии, водные проблемы, экология и охрана окружающей среды.

